# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING
# QARORI

O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy.
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255

2021-yil "4" март № 381 Yangibozor tumani

**"Қиёт" маҳалласида яшовчи фуқаро Қўчқаров Сардорга қўшимча дала томорқа ер майдони ажратиш тўғрисида**

"Қиёт" маҳалласида яшовчи фуқаро Қўчқаров Сардорга қўшимча томорқа ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6-моддасига ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" ги Қонунининг 6,10,25- моддасига асосланиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. "Қиёт" маҳалласида яшовчи фуқаро Қўчқаров Сардорга Боғолон қишлоғи "Қиёт" маҳалласи ҳудудидан туман захира ерлари ҳисобида турган 767-қисм контурдан 0,19 гектар ер майдони қўшимча томорқа сифатида умурбот фойдаланиш учун ажратиб берилсин.
2. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га қўшимча томорқа учун ажратилган ер участкасини жойида (натурада) белгилаб бериш вазифаси топширилсин.
3. Туман давлат солиқ инспекцияси (У.Аширов)га, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) га ушбу қарорга асосан ўз ҳужжатларига қонунда белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.
4. Фуқаро Қўчқаров Сардорга туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматидан рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Янгибозор туман ҳокими** **У.Курбанов**

Сканировано с CamScanner